



АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ ҚОНУН ҚОИДАЛАРИ

Ахборот Ресурс Маркази (АРМ) фойдаланувчилар учун кенг кўламли хизматни таклиф этади. Бизнинг асосий мақсадимиз АҚШ ҳақидаги энг сўнги, ишончли ва тўлиқ ахборот билан таъминлаш, ҳамда Америка маданияти, тарихи ва қадриятларини кенг тарғиб қилишдан иборат. Бизнинг асосий манбаларимиз ўз эътиборини қуйидаги соҳаларга қаратади: Америкашунослик, инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар учун кўмак, таълим бўйича маслаҳат, Америка фантастлари томонидан ёзилган асарлар, қонуншунослик ва ташқи алоқалар. Бундан ташқари, бизда Америка рижессёрлари томонидан тасвирга тушурилган бадиий ва ҳужжатли фильмларнинг катта тўплами, ҳамда тил ўрганувчилар учун турли мавзудаги аудио тасмалар ва CD-ROMлар мавжуд. Марказимиз Америкада нашр этиладиган турли оммабоп нашриётларга обуна бўлган, жумладан ҳафтаномалар *Time Magazine* ва *Newsweek*, ойлик нашрлар *Foreign Policy Magazine*, *National Geographic* ва *Smart Computing*, ҳамда ҳар чорак чоп этиладиган *Foreign Affairs* ва *Harvard International Review*, ва бошқалар.

Аъзолик

АРМ аъзо бўлиш бепул ва 14 ёшдан катта бўлганлар унга бемалол аъзо бўлса бўлади. АРМ аъзоси бўлиш учун, ташриф буюрувчилар анкета тўлдириб ўз паспорларини (16 ёшдан катталар) ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани Circulation Desk (қабулхонага) тақдим этишлари лозим.

Китоб айланмаси

АРМда **фантастик жанрдаги** китобларни ижарага олиб ўқишингиз мумкин. DVD/CD, аудио/видео касетталар, нашриётлар ва қўлланмаларни ўқиш учун ташқарига олиб кетиш маън этилади, ҳамда уларни фақатгина АРМ ичида ўқиш мумкин. Рўйхатдан ўтган аъзолар бир вақтнинг ўзида фақатгина битта фантастик жанрдаги китобни фойдаланиш учун икки ҳафта муддатга олиб кетишлари мумкин. Агар сиз китобни фойдаланишга олиб турмоқчи бўлсангиз, уни Circulation Desk (қабулхонага) олиб келинг ва ўзингизнинг АРМ аъзолик карточкангизни тақдим этинг. Кутубхоначи сиз учун махсус рухсатнома беради, сиз уни элчихона биносини китоб билан бирга тарк этаётганизда қоровулхонага кўрсатасиз. Китобни қайтариш учун фойдаланиш муддати тугамасдан аввал олиб келиб кутубхоначига топширинг. Ўз навбатида, кутубхоначи сизни ўз рўйхатидан чиқаради.

Агар сиз ижарага олган китобга бошқалар томонидан талаб бўлмаса, сиз унинг ижарасини яна икки ҳафтага узайтиришингиз мумкин. Буни сиз телефон, e-mail орқали ёки шахсан АРМ келиб амалга оширишсангиз бўлади. Бундай талаблар китобдан фойдаланиш муддати тугамасдан аввал қилиниши керак. Агар сизга керак бўлган китобни кимдир олиб кетган бўлса, сиз кутубхоначидан уни ўз номингизга брон қилиб қўйишини сўрашингиз мумкин. Сиз китоб қачон бўшаши ҳақидаги маълумотни езма тарзда e-mail орқали оласиз. Шуни ҳисобга олинг-ки, сизнинг бронингиз уч кунгача давом этади ва сўнг ўз кучини йўқотади.

АРМнинг карточкаларини аъзолар фойдаланиш учун бир бирларига бера олмайдилар, ҳамда ўз карточкалари орқали олинган ҳар бир нарса учун жавобгардирлар. Агар карточкангиз йўқолса, сиз бу ҳақда АРМга тезда хабар беришингиз керак. Сизнинг йўқолган карточкангиз остида олинган китоблар учун карточкада номи ёзилган шахс жавобгар бўлади.

Кутубхона материалларига ёзиш ва бўйлаш, йиртиш, бетларини йиртиб олиш қатъян маън этилади. Бу каби холатлар кузатилса, АРМ аъзога жарима солиши ёки унинг аъзолигига чек қўйиши мумкин.

Ксероксда нусха олиш

АРМ таълим олиш ва тадқиқот ишлари мақсадида чекланган миқдорда нусха олиш хизматини бепул кўрсатади. Аъзолар куниган **беш** бет нарсанинг нусхасини олишлари мумкин. Келажакда, китобнинг **30%** ни нусхани олиш мумкин бўлади. Нусха олиш аппаратидан қандай фойдаланиш тўғрисида АРМнинг кутубхоначисидан сўранг.

Принтердан фойдаланиш

АРМнинг ҳар бир аъзоси кунига беш варақ нарсани принтердан чиқариши мумкин. Керакли хужжатни принтердан чиқариш учун, уни компьютерингиздаги рабочий столдаги **“Print Job”** папкасида сақланг ва АРМ ходимидан уни принтердан чиқариб беришни илтимос қилинг.

Компьютердан фойдаланиш

АРМнинг компьютерлари ҳамда Интернет аъзоларнинг ахборот ва таълим бўйича эҳтиёжларини кондириш учун мўлжалланган. Мазкур манбалардан унумли фойдаланиш, ҳамда иложи борича кўпроқ киши ундан бахраманд бўлиши учун АРМ куйидаги қонун-қоидаларни ишлаб чиққан: АРМ компьютерлари ва Интернетдан ноқонуний фаолият учун фойдаланиш қатъян маън этилади:

- Компьютер жихозларини бузиш ва зарар етказиш
- Беъмани, тухмат, шахснинг тинчлигини бузувчи, яъни кўркитув аралаш материалларни экранда намоиш этиш, принтердан чиқариш ёки жўнатиш
- **Хар қандай** зарарли компьютер дастурини юклаш, жумладан вирус бўлиши мумкин бўлган дастурлар (spyware, viruses, Trojans, malware) ёки шу каби компьютер билан боғлиқ бошқа ноқонуний фаолият
- Авторлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар, дастур лицензияси тўғрисидаги келишув ёки интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунга хилоф равишда иш тутиш

Компьютердан фойдаланмоқчи бўлган шахс ўз номини компьютердан фойдаланиш учун тузилган рўйхатномада қайд қилиши керак. Мазкур рўйхатнома Circulation Desk (қабулхонада) туради. Умуман олганда, компьютердан фойдаланиш кунига **60 дақиқа** бўлади. АРМ аъзолари учун кейинги 14 кун ичида ETS тести бўйича **битта тўлиқ ўрганиш тести** (уч соатга қадар) топшириш режалаштирилган. Буни АРМнинг ходими билан олдиндан келишилган холда амалга ошириш мумкин бўлади.

Телефондан фойдаланиш

Ташриф буюрувчилар АРМнинг телефонларидан маҳаллий қўнғироқларни қилиш учун фойдалансалар бўлади. Тошкент ичида қўнғироқ қилиш учун **“9”** рақамини босинг ва сўнг ўзингизнинг рақамингизни теринг. Илтимос, ўз қўнғироқлар вақтини бошқаларга халақит бермаслик учун иложи борича қисқароқ қилинг.

Сиз телефондан Таълим ишлари бўйича маслаҳат маркази билан **“2447”** рақами орқали боғланишингиз мумкин. Элчихонанинг бошқа бўлимларига қўнғироқ қилиш учун сиз АРМ ходимидан олдиндан рухсат олишингиз талаб қилинади.

Телевизордан фойдаланиш

АРМ аъзолари марказда хар ишчи куни жумадан ташқари Америкача киноларни ва хужжатли фильмларни томоша қилишлари мумкин. АРМ ходими телевизорни, DVD плейрни ёқиб унинг овози ва каналларини мослаб беради. Агар сиз унинг баъзи бир жихатларини қайтадан мосламокчи ёки бошқа дискни томоша қилмоқчи бўлсангиз, марказ ходимидан ёрдам сўранг. Илтимос, бу ишларни ўзингиз қилишга ҳаракат қилманг.

Ўзини тутиш бўйича умумий қоидалар

Ўзини АРМ биносида қуйидагича тутиш маън этилади:

- Оғзаки ёки ҳаракат орқали бошқа аъзоларни ёки ходимларни кўрқитиш;
- Кутубхоначиларга ёки бошқаларга беъмани сўзлар билан мурожат қилиш;
- Баланд сўзлашиш ва қулиш орқали шовқин-сурон қилиш;
- АРМ ходими рухсатисиз ўзаро турли сўров ишларини олиб бориш;
- Аудио ускиналарни наушниксиз ишлатиш ёки бошқаларга шовқин туғдирадиган тарзда фойдаланиш;
- АРМнинг мулкани ўғирлаш, синдириш ёки нотўғри фойдаланиш;
- Ахлат қилиш;
- Бошингизни столга қўйиб ухлаш;
- АРМнинг мебелини (стул, стол ва ҳаказо) марказ ходими рухсатисиз жойидан суриш;
- «STAFF ONLY» (ФАҚАТГИНА ХОДИМЛАР УЧУН) деб ёзилган ҳудудга ўтиш, АРМнинг иш вақти бошланмасдан марказ ходимининг рухсатисиз АРМга кириш;

ҲИСОБГА ОЛИНГ: Ахборот Ресурс Маркази юқоридаги қонун-қоидаларга жавоб бермайдиган аъзоларни марказга қабул қилиш/уларнинг аъзолигини йўқ қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.